

# Сийрат дарслари (231-дарс) Жаннат — оналар оёғи остида



19:00 / 20.05.2023 2579

900. Муовия ибн Жоҳима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жоҳима Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, ғазотни ирода қилдим ва сизга маслаҳат қилгани келдим», деди. «Онанг борми?» дедилар. «Ҳа», деди. **«Уни лозим тут, жаннат унинг оёқлари остидадир»**, дедилар».

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

901. Асма бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳузуримга онам мушрика ҳолида келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фатво сўраб: «Ҳузуримга онам рағбат қилиб келибди. Онамга силаи раҳм қилаверайми?» дедим. У зот: **«Ҳа, онамга силаи раҳм қил»**, дедилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

902. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен катта гуноҳ қилдим. Энди мен учун тавба борми?» деди. **«Онанг борми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Холанг борми?»** дедилар.

«Ҳа», деди. **«Унга яхшилик қил»**, дедилар».

*Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

903. Абу Усайд Молик ибн Робийъа Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Бану Саламадан бир киши келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Ота-онамнинг вафотларидан кейин уларга қилишим керак бўлган яхшиликлардан бирортаси қолдими?» деди. **«Ҳа. Уларнинг ҳаққига дуо қилиш, уларга истиғфор айтиш, улардан кейин аҳдларига вафо қилиш, улар воситаси билан қилинадиган силаи раҳми боғлаш ва уларнинг дўстларини икром қилиш»**, дедилар».

*Абу Довуд, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.